

Oriental Journal of Education



DEVELOPING AN ACTIVE THINKING ENVIRONMENT AND STRATEGIC DECISION-MAKING SKILLS IN MILITARY EDUCATION

Orif Sirojiddinovich Turakhujayev

Independent researcher

University of Military Security and Defense of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: active thinking environment; strategic decision-making; critical thinking; cognitive-interactive methods; metacognitive strategies; axiological approach; military education; officer potential; mind map; visual analysis.

Received: 19.11.25

Accepted: 20.11.25

Published: 21.11.25

Abstract: The article provides a theoretical and practical analysis of creating an active thinking environment and developing strategic decision-making potential in modern military education. The author substantiates the role of the teacher not as a traditional “instructor-preacher,” but as a moderator who organizes and stimulates the process of thinking. The paper explores the ways of cultivating critical and strategic thinking, analytical skills, forecasting ability, moral stance, and a sense of responsibility among future officers through the use of cognitive-interactive technologies such as the case method, problem-based tasks, simulation exercises, the “Think–Pair–Share” technique, mind maps, and visual analysis. Furthermore, the study demonstrates that the harmonious interaction of internal factors (intellectual ability, motivation, metacognitive activity) and external factors (educational environment, pedagogical relations) plays a decisive role in enhancing the professional potential of officers.

ҲАРБӢЙ ТАЪЛИМДА ФАОЛ ФИКРЛАШ МУҲИТИНИ ВА СТРАТЕГИК ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ориф Сирожидинович Турахужаев

Мустақил изланувчиси

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: фаол фикрлаш муҳити, стратегик қарор қабул қилиш, танкидий фикрлаш, когнитив-интерактив методлар,

Аннотация: Мақолада замонавий ҳарбий таълимда фаол фикрлаш муҳитини яратиш ва стратегик қарор қабул қилиш

метакогнитив стратегиялар, аксиологик ёндашув, ҳарбий таълим, офицер салоҳияти, интеллект-карта, визуал таҳлил.

салоҳиятини ривожлантириш масалалари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф педагогнинг анъанавий “ўқитувчи-насиҳатчи” эмас, балки “фикрлаш жараёнини ташкил этувчи ва рағбатлантирувчи” модератор сифатидаги ролини асослайди. Кейс-метод, муаммоли вазифалар, симулятив машғулотлар, “Ўйла–жуфтлаш–улаш” усули, интеллект-карта ва визуал таҳлил каби когнитив-интерактив технологиялар орқали бўлажак офицерларда танқидий ва стратегик фикрлаш, таҳлилчанлик, прогнозлаш, ахлоқий позиция ва масъулият ҳисси шакллантириш йўллари ёритилган. Шунингдек, шахсий ривожланишда ички (ақлий қобилият, мотивация, метакогнитив фаоллик) ва ташқи (таълим муҳити, педагогик муносабатлар) омилларнинг уйғун таъсири офицерлар салоҳиятининг ўсиши учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши кўрсатилган.

РАЗВИТИЕ СРЕДЫ АКТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ И СПОСОБНОСТИ К СТРАТЕГИЧЕСКОМУ ПРИНЯТИЮ РЕШЕНИЙ В ВОЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ

Ориф Сирожиддинович Турахужаев

Самостоятельный исследователь

Университет военной безопасности и обороны Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: активная мыслительная среда; стратегическое принятие решений; критическое мышление; когнитивно-интерактивные методы; метакогнитивные стратегии; аксиологический подход; военное образование; офицерский потенциал; интеллект-карта; визуальный анализ.

Аннотация: В статье теоретически и практически проанализированы вопросы создания активной мыслительной среды и развития потенциала стратегического принятия решений в современном военном образовании. Автор обосновывает роль педагога не как традиционного «учителя-наставника», а как модератора, организующего и стимулирующего процесс мышления. Раскрыты пути формирования у будущих офицеров критического и стратегического мышления, аналитических способностей, прогностического взгляда, моральной позиции и чувства ответственности посредством применения когнитивно-интерактивных технологий, таких как кейс-метод, проблемные задания, симулятивные упражнения, метод «Думай–Парой–Поделись», интеллект-карты и визуальный анализ. Также показано, что гармоничное взаимодействие внутренних

факторов (умственные способности, мотивация, метакогнитивная активность) и внешних факторов (образовательная среда, педагогические отношения) играет решающую роль в повышении потенциала офицеров.

Кириш. Замонавий ҳарбий таълим тизими офицер номзодларини фақат билим билан таъминлашни эмас, балки уларда мустақил, чуқур ва мақсадли фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришни талаб қилади. Фаол фикрлаш муҳитини яратиш – бу ўқув жараёнида талабани билимни пассив қабул қилувчи эмас, балки уни қидирувчи, таҳлил этувчи ва стратегик ечим таклиф қилувчи субъект сифатида шакллантириш демакдир. Бундай муҳитда педагог модератор сифатида фикрлаш жараёнини рағбатлантиради, муаммоли саволлар, кейслар ва симулятив машғулотлар орқали курсантларни таҳлилчанликка, далилларга асосланган қарор қабул қилишга ва истиқболни кўра билишга йўналтиради. Бу эса ҳарбий раҳбарлик салоҳиятининг интеллектуал ва ахлоқий пойдеворини мустаҳкамлайди.

Замонавий таълим тизимида педагогнинг роли маъруза қилиш ва маълумот етказиш билан чекланмайди. Айниқса, ҳарбий таълимда бу анъанавий ёндашув ортқча пассивликка олиб келади ва бўлажак офицерларда мустақил қарор қабул қилиш, ижодий фикр юритиш, танқидий таҳлил қилиш каби қобилиятларни ривожлантиришда тўсиқ бўлади. Шу боис, педагог энди “ўқитувчи-насихатчи” эмас, балки “фикрлаш жараёнини ташкил этувчи ва рағбатлантирувчи” субъект сифатида қаралиши лозим. Унинг вазифаси тайёр билим бериш эмас, балки билимни қидиртириш, савол қўйишга ундаш, тахмин қилиш ва изоҳлашга имконият яратишдир.

Бундай педагогик модель “фаол фикрлаш муҳитини ташкил этувчи педагог” концепцияси билан чамбарчас боғлиқ. Бу моделда ўқитувчи ўзи марказда эмас, балки ўқувчининг фикрлаш жараёнини бошқарадиган орқа пландаги ташкилотчи сифатида фаолият юритади. У баҳс-мунозара, фикрлар таққосини рағбатлантиради, муаммоли саволлар орқали танқидий ва стратегик ёндашувга олиб келади, ҳар бир фикрга муносабат билдиришга чорлайди. Бу жараёнда асосий ўрин талабанинг ўз фикрини шакллантириши, англаши ва қайта кўриб чиқишига берилади.

Тадқиқот ва натижалар. Фикрлаш фаоллигини рағбатлантирувчи педагог фақат билим мазмуни эмас, балки фикрлаш жараёнининг методикаси ҳақида ҳам ўйлайди. У метакогнитив стратегиялар, визуал-вербал фаоллаштириш усуллари, фаол таълим технологиялари (кластер, интеллект-карта, дебат, квест, симуляция, ролли ўйин ва бошқалар)дан самарали фойдаланади. Бу орқали талабалар фақат фактларни эмас, балки фикрлашни, таҳлил қилишни, савол туғдиришни, далиллашни, баҳолашни ва стратегик ечим

таклиф қилишни ўрганади. Бундай ёндашув, айниқса, ҳарбий билим бериш жараёнида офицерлар етук фикрловчи шахс сифатида шаклланиши учун жуда муҳимдир. Натижада, педагог энди ахборот манбаи эмас, балки фикрлашни ташкил этувчи модератор сифатида намоён бўлади. У талабани фикр юритишга, шахсий позиция шакллантиришга, интеллектуал мустақилликка етаклайди. Бу модель офицерлар учун айниқса долзарбдир, чунки улар фақат буйруқ бажарувчи эмас, балки мураккаб ва зиддиятли вазиятларда мустақил фикрловчи, оқилона қарор қабул қилувчи, масъулиятни зиммасига оладиган етакчи сифатида тайёрланиши керак. Демак, фикрлаш фаоллигини рағбатлантирувчи педагог модели замонавий ҳарбий таълимнинг ажралмас ва стратегик компоненти ҳисобланади.

Замонавий ҳарбий таълимда курсантларда танкидий ва стратегик фикрлашни ривожлантириш, ахборотни таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш қобилиятини оширишнинг самарали йўлларида бири фаол таълим технологияларидан фойдаланишдир. Жумладан, кейс-метод, муаммоли вазифалар ва симулятив машғулотлар когнитив фаолликни рағбатлантирувчи, шахсий фикр юритишга ундовчи, мураккаб вазиятларда қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантирувчи воситалардир. Бу усуллар орқали ўқувчи ахборотни фақат қабул қилмайди, балки таҳлил қилади, солиштиради, баҳолайди ва мустақил ечим таклиф қилади.

Кейс-метод – бу аниқ ҳаётий ёки касбий вазият асосида муаммони таҳлил қилиш, омилларни аниқлаш ва стратегия ишлаб чиқиш усулидир. У таълимни реал шароитга яқинлаштиради, тезкор қарор қабул қилиш ва оқибатни баҳолаш қобилиятини ривожлантиради. Хусусан, ҳарбий кадрлар тайёргарлигида бу усул ёрдамида жанговар вазиятлар, ташкилий-ҳукукий ҳолатлар, ахборот таҳдидлари каби мавзуларда симулятив таҳлиллар ташкил этиш мумкин. Бу усул офицерларда прагматик ва ахлокий мулоҳазага асосланган фикрлаш салоҳиятини кучайтиради.

Муаммоли вазифалар фикрлашни кўзғатиш, интеллектуал фаолликни юзага чиқариш ва илмий ечим топишга ундаши билан аҳамиятлидир. Улар турли ечимли, нотўлиқ маълумотли ва қарама-қарши нуқтаи назарлар талаби асосида тузилади. Симулятив машғулотлар эса талабаларни амалий вазиятга “гўёки” жорий этиш орқали реал ҳаётда юз бериши мумкин бўлган таҳликали шароитларда қандай қарор қабул қилишни ўргатади. Бу жараёнда танкидий таҳлил, прогнозлаш, натижани баҳолаш ва жавобгарлик ҳисси шаклланади. Айни масала юзасидан А.Ҳакимов таъкидлайди: “Фикрлашни рағбатлантирувчи таълим усуллари билим беришдан кўра кўпроқ шахсни жавобгар субъект сифатида тарбиялашга хизмат қилади”. [1; 61] Ушбу фикрдан келиб чиқиб, кейс, муаммоли вазият ва симуляция элементлари нафақат билим бериш, балки шахсий қарор қабул қилиш

салоҳиятини шакллантириш учун зарур механизм экани намоён бўлади. Бу методлар орқали ҳарбий таълимда интеллектуал тайёргарликнинг стратегик самарадорлиги таъминланади.

Замонавий таълимда когнитив-интерактив методлар талабаларнинг ақлий фаоллигини кучайтириш, мустақил фикрлаш ва мулоҳаза юритиш қобилиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутadi. Хусусан, ҳарбий таълимда мураккаб вазиятларда тезкор ва ҳолис қарор қабул қилиш, жавобгарликни ҳис қилиш ва оқибатни кўра билиш каби қобилиятлар танқидий ва стратегик фикрлаш орқали шаклланади. [2; 17] Буни таъминлашда фаол таълимнинг когнитив-интерактив усуллари - “Ўйла–жуфтлаш–улаш” (Think–Pair–Share), интеллект-карта ва визуал таҳлил элементлари самарали восита ҳисобланади.

“Ўйла–жуфтлаш–улаш” усули ўқувчини аввал индивидуал фикрлашга, кейин эса жуфтликда муҳокама қилишга, сўнг гуруҳ ёки синф билан умумлаштиришга ундайди. Бу усул шахсда “фикрлаш устида фикрлаш” (метакогнитив рефлексия), далиллаш, мулоҳаза билдириш, муқобил қарашларни тинглаш каби муҳим когнитив жараёнларни фаоллаштиради. Ҳарбий кадрлар тайёргарлигида бу усул хизматчилар ўртасидаги ахборот алмашинуви, ҳамкорликда қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради ва психологик муҳитни янгилайди.

Интеллект-карта (mind map) методи – маълумотлар, ғоялар, стратегик режалар ва қарашларни визуал шаклда тизимлаштириш воситасидир. Бу орқали офицер номзодлар маълумотларни гуруҳлаш, боғлаш, даражалаш, таҳлил қилиш ва умумий манзарани идрок этиш қобилиятини ривожлантиради. Интеллект-карта фойдаланувчида тизимли ва йўналтирилган фикрлаш, прогнозлаш ва қарор қабул қилишни фаоллаштиради. Таълим жараёнида ҳарбий концепциялар, тактик таҳлиллар ва сценарийли машқларнинг визуал тақдими билимнинг мустаҳкамланишини таъминлайди.

Визуал таҳлил элементлари диаграмма, жадвал, схемалар, инфографикалар ёрдамида маълумотларни солиштириш, баҳолаш ва умумлаштириш имконини беради. Бу усул фикрлаш жараёнини кучайтириш билан бирга мураккаб ахборотни тартибга солиш, қисқа муддатда хулоса чиқариш, далилларни таққослашни осонлаштиради. Визуал таҳлил ҳарбий офицерлар учун жанговар, логистик ёки ахборот операцияларида тезкор ва самарали фикр юритиш қобилиятини шакллантиради. У замонавий стратегик фикрлаш компетенцияларининг ажралмас қисми сифатида қаралади.

Умуман, “ўйла–жуфтлаш–улаш”, интеллект-карта ва визуал таҳлил каби когнитив-интерактив методлар ҳарбий таълимда танқидий ва стратегик фикрлашни шакллантириш, шахсий интеллектуал салоҳиятни очиш ва қарор қабул қилиш жараёнини яхшилашда кенг қўлланилиши лозим. Ушбу усуллар орқали офицер номзодлар билимни қабул қилувчи эмас, балки яратувчи ва таҳлил этувчи шахс сифатида шаклланади.

Ҳарбий раҳбарлик фақат ташкилотчилик ва буйруқ бериш маҳорати билан чекланмайди; у шахсий ривожланиш даражаси, интеллектуал етуқлик, ахлоқий позиция ва стратегик фикрлаш салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги тез ўзгарувчи ҳарбий-сиёсий шароитда офицернинг шахсий салоҳиятини ривожлантириш унинг фаол фикрловчи, масъулиятли ва интизомли раҳбар сифатида шаклланишининг пойдевори ҳисобланади. Бу жараёнга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида таълим муҳити, педагогик муносабатлар, шахсий мотивация, ахлоқий қадриятлар, когнитив фаоллик ва психологик тайёргарлик каби жиҳатлар алоҳида ўрин тутди. [3; 41] Демак, ҳарбий раҳбарликни шакллантириш жараёнини таҳлил этишда шахсий ривожланишни таъминловчи омилларни назарий ва методик жиҳатдан чуқур ўрганиш зарур.

Шахснинг интеллектуал ривожланиши турли ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади. Ички омиллар сифатида ақлий қобилият, мотивация, ўзини англаш даражаси, шахсий мақсад ва қадриятлар, иродавий барқарорлик ва метакогнитив фаоллик каби психологик жиҳатлар эътироф этилади. Бу омиллар инсонда билимни қабул қилиш, таҳлил қилиш, муносабат билдириш ва уни амалда қўллаш қобилиятини ривожлантиради. Хусусан, ҳарбий кадр учун юқори даражадаги шахсий интизом, мустақил қарор қабул қилишга тайёрлик, рефлексив тафаккур ва маънавий қонуниятларга содиқлик асосий ички ресурслар ҳисобланади. [4; 51]

Ташқи омиллар эса таълим муҳити, педагогик муносабатлар, раҳбарларнинг лидерлик услуби, тажриба ва амалиёт жараёнларининг мазмуни, психологик қўллаб-қувватлаш тизими ва жамоавий ишнинг самараси каби жиҳатларни ўз ичига олади. Бўлажак офицерларнинг интеллектуал ривожланишига ушбу омиллар уйғун таъсир қилганда, уларда танқидий таҳлил, стратегик кўра билиш ва прогностик қобилиятлар шаклланади. Бу жараёнда устознинг фаолияти - рағбатлантирувчи, шахсий ривожланишни қўллаб-қувватловчи ва индивидуал ёндашувга асосланган бўлиши лозим. Чунки билим бериш эмас, билим олишга ундаш салоҳиятни очишда муҳим шартдир.

Фикрлаш қобилияти шахсий лидерлик, бошқарув маданияти ва жавобгарлик туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Лидер шахснинг асосий белги-сифатлари муаммони таҳлил қилиш, тезкор ва асосланган қарор қабул қилиш, бошқаларни ҳаракатга келтириш ва масъулиятни ўз зиммасига олишдир. Бу салоҳиятлар мустақил фикрлашга, яъни танқидий ва стратегик фикрлаш асосида шаклланади. Танқидий фикрлаш муаммони юзаки эмас, чуқур таҳлил қилиш, оқилона ечимни танлаш, оқибатларни баҳолашни тақозо этади. Стратегик фикрлаш эса истиқболни кўра билиш, қарор оқибатларини олдиндан англаш ва натижани бошқариш қобилиятини талаб этади.

Бошқарув жараёнида шахснинг фикрлаш қобилияти юқори бўлмаса, у жиддий масъулият талаб қилувчи ҳарбий ҳолатларда адекват ва тизимли қарор қабул қила олмайди. Шунинг учун ҳам ҳарбий раҳбарлик салоҳиятини шакллантиришда фикрлаш қобилияти асосий мезон сифатида қаралади. Масалан, штаб машғулотларида, тактик симуляцияларда ёки оператив режалаштириш жараёнида юқори мантиқий таҳлил ва прогностик қобилият талаб этилади. Булар шахсий интеллектуал ривожланиш ва шахсий лидерлик туйғуси ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрсатади.

Эмоционал барқарорлик, ахлоқий позиция ва таҳлилчанлик замонавий офицернинг энг муҳим фазилатлари сирасига киради. Чунки ҳарбий раҳбар нафақат ақл билан, балки эҳтирос, феъл-атвор ва шахсий руҳий ҳолатни ҳам назорат қилиши лозим. Эмоционал барқарорлик стрессли вазиятларда хулқ-атвори тўғри йўналтириш, ўзгарувчан шароитда қарор қабул қилишда онгли назоратни таъминлаш қобилиятидир. Усиз офицерда ҳатто етарли билим ва малакалар бўлса-да, муҳим қарорларда иккиланиш, руҳий тушқунлик ва ишончсизлик юзага келиши мумкин.

Ахлоқий позиция эса раҳбарнинг шахсий қадриятлари, инсоний масъулияти, адолат ва интизомга бўлган муносабати орқали намоён бўлади. Жамият ва жамоа олдида масъулиятни ҳис қилиш, ҳуқуқий-ахлоқий нормаларга содиқлик ҳарбий касбнинг ўзига хос фазилатидир. Бу шахсий фазилатлар танқидий фикрлаш билан боғлиқ ахлоқий таҳлил қобилиятини ҳам ривожлантиради. Шахс вазиятни нафақат мантиқан, балки маънавий мезонлар асосида ҳам баҳолашни ўрганади.

Таҳлилчанлик, яъни маълумотлар орасида фарқлаш, умумлаштириш, сабаб-оқибат боғланишларини кўра билиш қобилияти ҳарбий раҳбарда ҳатто тинимсиз ўзгарувчан шарт-шароитда ҳам онгли ва тизимли фикр юритишни таъминлайди. Бу фазилат танқидий ва стратегик фикрлашнинг натижасидир. Шундай экан, шахсий ривожланишни таълим тизимида ахборотни қабул қилувчи шахс эмас, интеллектуал масъулиятга эга бўлган мукамал раҳбар сифатида шакллантириш замон талабидир. [5; 67]

Тадқиқот давомида танқидий ва стратегик фикрлашнинг назарий асослари, таърифлари ва педагогик интерпретацияси таҳлил қилинганда, улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ, бир бутун когнитив жараённинг турли қирралари эканлиги аниқланди. Танқидий фикрлаш жараённинг таҳлилий, баҳоловчи ва далилловчи томонини таъминласа, стратегик фикрлаш эса истиқболни кўра билиш, оқибатларни олдиндан англаш ва мақсад сари тузилган ҳаракатлар занжирини шакллантиришга хизмат қилади. Илмий-назарий манбаларда бу икки фикрлаш тури яқдил эмас, балки ўзаро боғлиқ ва комплекс шаклда амалга ошиши қайд этилади. [16; 92] Шу жиҳатдан, уларни биргаликда ўрганиш ва шакллантириш масаласи педагогик муҳимлик касб этади.

Замонавий ҳарбий таълимдаги парадигмалар ўзгариши офицер тайёрлаш жараёнини фақат билим бериш эмас, балки фикрлашнинг юқори даражаларини ривожлантиришга йўналтирмоқда. Интегратив ёндашувлар, фаол таълим усуллари, симуляция ва муаммоли вазифалар орқали талабаларда танқидий мулоҳаза, рефлексив баҳолаш ва стратегик қарор қабул қилиш қобилиятлари ривожланади. Бу жараёнда шахснинг шахсий позицияси, интеллектуал мустақиллиги ва ахлоқий қарашлари фаоллашади. Ҳарбий соҳада бу қобилиятлар раҳбарлик салоҳиятининг ўзига хос мезони сифатида намоён бўлади.

Фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг методологик асослари эса турли ёндашувларни уйғунлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Когнитив ёндашув ахборотни қайта ишлаш, метакогнитив ёндашув ўз фикрини кузатиш ва бошқариш, аксиологик ёндашув шахсий қадриятлар ва маънавий позицияни шакллантириш, компетентли ёндашув мулоҳазали, фаол ва масъулиятли шахсни тайёрлашда хизмат қилади. Ушбу ёндашувларнинг уйғунлиги билимни нафақат ўзлаштириш, балки фикрлаш қобилиятини мустақил ривожлантириш имконини беради. [7; 47] Шундай қилиб, бўлажак офицерларда танқидий ва стратегик фикрлашни шакллантириш мураккаб ҳарбий-ижтимоий шарт-шароитда тезкор ва оқилона қарор қабул қила оладиган, ахлоқий етук, интеллектуал мустақил ва тафаккурли шахсни вояга етказишнинг асосий вазифасидир. Бу эса назарий билим билан чекланмасдан, таълим жараёнига мақсадли методологик ёндашувларни жорий этиш, шахснинг фикрлаш жараёнини тизимли равишда ташкил этишни талаб қилади. Бундай ёндашувлар ҳарбий таълимни стратегик инсон капитали тайёрловчи замонавий интеллектуал тизимга айлантиради.

Умуман олганда, танқидий ва стратегик фикрлаш – бир-бирига чамбарчас боғлиқ, лекин ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган мураккаб когнитив жараёнлар бўлиб, ҳарбий кадрлар тайёргарлигида уларни уйғун ҳолда ривожлантириш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Зеро, танқидий фикрлаш шахсни таҳлилчан, далилларга асосланган, мулоҳазали қарор қабул қилувчи этиб тарбияласа, стратегик фикрлаш истиқболни кўра билувчи, оқибатни башорат эта олувчи, тизимли режалаштирувчи раҳбар шахс салоҳиятини таъминлайди. [8; 56] Илмий-назарий таҳлиллар, педагогик моделлар ва методологик ёндашувлар шундан далолат берадики, ҳарбий таълим фақат билим бериш билан чекланмаслиги, балки шахсий интеллектуал салоҳиятни очувчи ва қарор қабул қилиш маданиятини шакллантирувчи фикрлаш компетенцияларини ҳам тизимли равишда ривожлантириши зарур.

Хулоса, ҳарбий таълимда фаол фикрлаш муҳитини яратиш ва стратегик қарор қабул қилиш салоҳиятини ривожлантириш офицер номзодларини мураккаб ва зиддиятли шароитларда оқилона ечим топа оладиган, масъулиятли ва истиқболни режалаштира оладиган етакчи сифатида тайёрлашнинг асосий шартидир. Бу жараёнда когнитив-

интерактив методлар, метакогнитив стратегиялар ва аксиологик ёндашувлар уйғун қўлланилганда, шахсда нафақат билим, балки таҳлилчан фикрлаш, ахлоқий барқарорлик ва интеллектуал мустақиллик ҳам шаклланади. Шу боис, фаол фикрлаш муҳитини яратиш ҳарбий таълимнинг стратегик вазифаси сифатида доимий равишда такомиллаштирилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Хакимов А. Интерактив таълим технологиялари ва уларнинг ўқитишдаги роли. – Тошкент: Nasaf, 2020. – Б. 61.
- 2.Блум Б. Таксономия учебных целей. – М.: Педагогика, 2006. – С. 17.
- 3.Ганье Р. Условия обучения. – М.: Педагогика, 2002. – С. 41.
- 4.Флавелл Дж. Метапознание и когнитивный мониторинг // Психология развития. – М.: Смысл, 2002. – С. 51.
- 5.Вульф Л. Метакогнитивные стратегии в обучении. – М.: Академия, 2006. – С. 67.
- 6.Перри У. Формирование интеллектуальной и этической автономии. // Вопросы психологии. – 2004. – №3. – С. 92.
- 7.Рахмонов Ш. Аксиологик ёндашувнинг назарий асослари. – Т.: Фан ва технологиялар, 2016. – Б. 47.
- 8.Аминова З. Тафаккурнинг аксиологик асослари. – Т.: Илм-Ziyo, 2020. – Б. 56.